

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

KAZINFORM. Мамлакатимизда янги ўқув йили 1 сентябрь эмас, балки 2 сентябрдан бошланади.



Бу 30 август – Конституция куни муносабати билан таълим жараёнини бошлаш кунининг ўзгариши билан боғлиқ. Бу ҳақда ҚР Маориф вазири Ғани Бейсембаев Ҳукуматда ўтган матбуот анжуманида маълум қилди.



janubiy.kz

Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 29 июль, сешанба, №78 (3579).

>>> Президент

ҚАРДОШЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ПОЙДЕВОРИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БОРДИ

KAZINFORM. Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошликка асосланган муносабатлар янги, янада мазмунли bosқичга кўтарилмоқда. Бугунги кунда сиёсий майдонда очиқ ва самарали мулоқот шаклланган, ҳукуматлар даража-сидаги ўзаро алоқалар изчил мустаҳкамланмоқда. Бунинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев таъкидлаб ўтди.

– Туркия Қозоғистоннинг бешта энг йирик савдо ҳамкорлари қаторига қиради. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 6 миллиард долларга етди, – деди Давлат раҳбари.

Унинг сўзларига кўра, Туркия Қозоғистон иқтисодиётига йирик сармоя киритган етакчи сармоядорлардан ҳисобланади. Айниқса, турк тадбиркорлари иштирокида амалга оширилаётган қатор сармоявий

лойиҳалар Президентнинг шахсий назоратида экани таъкидланди.

Ўз навбатида, Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон ҳам икки давлат ўртасидаги муносабатлар стратегик аҳамият касб этаётганини таъкидлади. У, шунингдек, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштириш учун улкан салоҳият мавжудлигини алоҳида қайд этди.



Бу сўзлар нафақат икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч ва қардошлик ришталарининг мустаҳкамлигини, балки келажакка йўналтирилган улкан мақсад ва истикболларнинг амалий асосга эга эканини кўрсатади.

Президентлар Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг бешинчи йиғилишини ҳам ўтказадилар.

КАСПИЙ ВА ОРОЛ: ИККИ ДЕНГИЗ, БИР МУАММО, ЯГОНА ЕЧИМ

ҚР БОШ ВАЗИРИ КАСПИЙБЎЙИ ДАВЛАТЛАРИНИ ДЕНГИЗ САТҲИНИНГ ПАСАЙИШИ МУАММОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРДИ

KAZINFORM. Ўлжас Бектенов биринчи Халқаро экологик анжуманда сўзга чиқар экан, Каспий денгизи сатҳининг пасайиши минтақанинг асосий хатарларидан бирига айланганини таъкидлади.

У Каспий денгизи сатҳининг пасайишига эътибор қаратиб, Каспийбўйи давлатлари ўртасида минтақавий ҳамкорлиқни фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

– 2000 йиллар бошидан буён Каспий денгизи сатҳининг пасайиш жараёни кузатилмоқда. Мазкур ва бошқа муаммоларни ўрганиш мақсадида Каспий денгизи бўйича Қозоғистон илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Олимларнинг таҳминлари хавотир уйғотади. Бу бетақорор сув ҳавзасини асраб қолиш учун барча Каспийбўйи давлатларининг қатъий ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлари талаб этилади, – деди Бош вазир.



Сув масалаларига бағишланган тадбирда Ўлжас Бектенов Оролбўйи вазиятига ҳам эътибор қаратди. Ҳозирги кунда Қозоғистон Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига раислик қилмоқда. Мамлакатда Оролни тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Бош вазир, шунингдек, музликларни сақлаб қолишга қаратилган ишлар аҳамиятини ҳам таъкидлади. Мутахассислар таҳминига кўра, 2100 йилга келиб Марказий Осиёда

музликлар ҳажми жиддий равишда камаяди. Шу муносабат билан Қозоғистон Президенти ташаббуси билан Ар-Риёд саммитида музликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштирадиган “Сув манбалари шериклиги”ни тузиш таклиф қилинди.

Қозоғистон сув омборларини бошқаришдан тортиб, сув ҳисоби юритишни автоматлаштиришгача бўлган қўшма гидротехник лойиҳаларни

амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

Пленар йиғилишда Россия Федерацияси Ҳукумат раиси Михаил Мишустин, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Бош вазири Александр Турчин, Қирғизистон Бош вазири Адилбек Қасималиев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Орипов, шунингдек, Туркменистон Вазирлар маҳкамаси раиси ўринбосари Нокерогли Атагулиев иштирок этди.

Лойиҳанинг умумий сармоявий ҳажми 150-200 миллион долларни ташкил этади. Маълум қилинишича, бўлажак корхонанинг режалаштирилган қуввати йилига 140 минг тонна шакарни ташкил этади. Бунинг учун 1 миллион тоннага яқин қанд лавлаги қайта ишланади.

UzA:

**Қозоғистон ва Ўзбекистон
худудлараро алоқаларни
янги bosқичга кўтармоқда**

Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги Фавкуллода ва Мухтор Элчи Бахтиёр Иброҳимов бошчилигидаги дипломатик миссия делегацияси амалий ташриф билан Шарқий Қозоғистон вилоятида бўлди. Ташриф доирасида делегация аъзолари Шарқий Қозоғистон вилояти ҳокими Нурибег Сақтаганов билан учрашди.

Қозоғистон томони худуднинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятини тақдим этди ва Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон дипломатлари худудда яшовчи Ўзбекистон фуқаролари билан ҳам учрашди.

(Давоми 2-бетда).▶

>>> Қишлоқ – юрт бешиги



ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЕРГАН ҚИШЛОҒИМ

Ватан дегани – нафақат чегаралар, балки ҳар бир тоши, ҳар бир гиёҳи, ҳатто қишлоқдаги бир хас ҳамдир. Ана шундай пайтда инсон ўзи туғилиб ўсган, болалик излари қолган қишлоғини қандай Ватан деб атамасин? Агар тош Ватан бўлса, гиёҳ Ватан бўлса, нега менинг жонажон қишлоғим Ватан бўлмасин? Сиз Ватанимизнинг латофатини, жамолини кўришни истайсизми? Йилнинг исталган кунда, айниқса баҳорда, Тўлебий туманига келинг.



ҲАР БИР ҒЎШАДА – МЕҲР ВА ҲАЁТ НАФАСИ

Қаерга борманг, қандай мартабага кўтарилманг – инсоннинг қалбидаги меҳр ришталари уни она юртига, илк қадам ташлаган тупроғига етаклайди. Қишлоқ – бу шунчаки жугрофий атама эмас, балки туйғу, хотира, фидойилик ва меҳнат тимсолидир. У ерда ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қиласиз, олам-олам таассурот оласиз. У ерда ҳар бир тупроқ зарраси, ҳар бир дарахт баргида инсоннинг меҳри, ҳаёти акс этгандек, гўё. Қишлоқ инсоннинг руҳий оламига нур сочувчи муҳаббат маскани. Унинг ҳар бир ғўшасида ҳаёт нафаси, сукутида дунёнинг ҳақиқати мужассам. Қишлоқ – соф туйғулар, юракка завқ бағишловчи шодликларни эслатиб турувчи мунаввар маскан, қалбни титратар хотиралар ва болаликнинг ой нуридек ёруғ саҳифаларидир.

Қишлоқ – мусаффо тонглار, дилга малҳам бўлган сувлар оқадиган жилғалар, садоқат ва барокат булоқлари маскани. У – орзулар қанот ёзадиган осмон, гулгун юзлар ва қалби дарё инсонлар яшайдиган замин. У ерда ҳар бир одамнинг ўз олами бор, ҳар бир ҳовлида бир тарих, ҳар бир кўзда бир умид яшайди. Ана шу ҳаётнинг саждасига арзийдиган замин сенсан, сеvimли қишлоғим!

ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАЛАРИ ҚИШЛОҚДА ЁЗИЛАДИ

Қишлоқда ҳаёт қуёш чиқмай туриб бошланади. Оталар ҳовлидан чиқиб, далалари томон шошилишади. Аналар ҳовли, сўнг кўчага сув сепиб, супуришади. Болалар дарсга кетиш олдида ота-онасининг дуосини олади. Ҳамма бир-бирини танийди. Қишлоқда меҳр бор, нафратга жой йўқ. Бир-бирини кўрмаган одамнинг ўзи кам.

Эсимда, болалигимизда эрталаб отамиз ишга кетар экан, бизга бир дунё вазифаларни топшириб кетарди. Беда ўриш, мол боқиш, боғдаги ҳосилни йиғиш – буларнинг барчаси ҳаёт мактаби эди.

ТАНБЕҲ – КЕЛАЖАК УЧУН ҚАЙҒУРИШ ДЕМАҚДИР

Бирон ноҳўя иш қилиб қўйсақ, катталар, ҳатто бегона бўлса ҳам, танбەҳ беришарди. Албатта, бу каби танбەҳлар қишлоқ жамиятининг ўзига хос оғзаки тарбия тизимининг ажралмас бир қисми эди. Қишлоқ катталари болаларни, ҳатто ўз фарзанди бўлмаса ҳам, ҳаёт сабоқларини бериш, меҳнатга, урф-одатга, одоб-ахлоққа ўргатиш мақсадида танбەҳ берадилар. Бу каби мисоллар қишлоқ ҳаётида катталарнинг ёшларга нисбатан умумий масъулият туйғуси борлигини кўрсатади. Улар биладилар: ҳар бир боланинг қилмиши бутун маҳаллага таъсир этади, шунга кўра танбەҳ – нафақат тарбия, балки келажак учун қайғуриш ифодасидир. Қишлоқимизда ҳар бир бола катталарни кўрса, салом беради. Саломга жавоб олиш эса болалар учун катта бахт эди.

– Бир куни маҳалладош болалар билан ўйнаётганимизда тўп қўшимизнинг ҳовлисига тушиб қолди, – дейди маҳалладошим Тоҳир.

Ҳовлининг эшиги очиқ эди, шунда тўпни олиш учун бир дўстим югуриб кирди. Ҳали тўпни олмасидан:

– Болалар, бировнинг ҳовлига берухсат кирманглар! – деган овоз келди.

Бу – уй соҳиби Тўрабой ота эди.

– Ҳар бир ҳовли муқаддас. Аёл киши ичида юрган бўлиши мумкин. Бу – ҳурмат масаласи, – деди у.

Биз унга ҳайрон бўлиб қарадик. У киши ҳатто биз билан салом-алик қилмади. Шу-шу бўлиб, ўша гаплар умрбод эсда қолди.

Кечкурун бир гуруҳ болалар кўчани бошига кўтариб у ёқдан бу ёққа югуришардик. Дилбар опа олдимиздан чидди:

– Болалар, кеч бўлди. Кексалар ухлаётган бўлиши мумкин. Ҳомиладор аёллар ҳам бор. Бошқаларнинг тинчини бузманглар! – деб уйига кириб кетди.

ЁЗИЛМАГАН ҚОНУНЛАР – ТАРБИЯ МАНБАИ

Умуман, қишлоқдаги барча катталарнинг гапи биз учун ёзилмаган қонун эди. Кимгадир салом бермай кетсак, кечкурун ота-онамиздан дакки эшитардик. Қизларнинг биронтаси очиқ-сочиқ кийиниб кўчага чиқолмасди. Биринчидан, ота-онасини иснодга қўйган ҳисобланса, иккинчидан, маҳалланинг қарияларидан дакки эшитардида... Аммо ҳозир тушунапманки, улар ҳар бир болани, ҳар бир қишлоқ фарзандини ўз фарзандидек кўрар, келажаги учун қайғурган экан.

(Давоми 2-бетда).▶

Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Anadolu:

**Қозоғистон ва Жанубий Корея
алоқаларни мустаҳкамлаш
ниятида**

Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев ва Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат чоғида икки давлат раҳбарлари кўп қиррали Қозоғистон–Корея муносабатларини янада мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини маълум қилдилар. Икки томонлама ҳамкорлиқнинг кенг кўламли йўналишлари бўйича ҳар томонлама фикр алмашилди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдор. Шунингдек, саноат, энергетика, автомобил-



созлик, таълим, тиббиёт каби соҳаларда жорий ва истикболли лойиҳаларни самарали амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Report:

**Туркия компанияси Қозоғистонда
шакар заводини қурмоқчи**

Туркиянинг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган Safi Holding Қозоғистонда юқори технологияли шакар заводи қуриш имкониятини кўриб чиқмоқда.

Бу масала вазир Айдарбек Сапаров ва Safi Holding бош директори Сафи Атакан ўртасидаги учрашувда муҳокама қилинди.



ТАШАББУСЛАР ЭЪТИБОРДА, МУРОЖААТЛАР НАЗОРАТДА

Вилоятимизда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш ва муаммоларга ечим топиш юзасидан очиқ мулоқот ўтказиш анъанаси изчил давом этмоқда. Минтақа раҳбари Нуралхан Кўшеров навбатдаги қабулини ўтказиб, фуқароларнинг мурожаатларини тинглади. Соҳага мутасадди раҳбарлар билан уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш йўллари таҳлил қилиниб, тегишли топшириқлар берилди.

Шахсий қабулга бир неча туман ва шаҳарлардан келган фуқаролар муҳим аҳамият касб этадиган масалаларни кун тартибига

чиқаришди. Қабул жараёнида Туркистон шаҳрининг бир фуқароси ер масаласидаги муаммони кўтарди, яна бир ташаббускор робототехника

бўйича мусобақа уюштириш юзасидан таклиф билдирди. Тўлебийлик фуқаро Зертас аҳоли манзилига спорт мажмуаси қуриш масаласини кўндаланг қўйди. Вилоят раҳбари ҳар бир масала юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифаларни юклаб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб берди.

Нуралхан Кўшеров таъкидлаганидек, халқ дарди-га қулоқ тутиш, фуқаролар томонидан ўртага қўйилган муаммоларни ҳал қилиш

– ҳокимликнинг устувор вазифаларидан биридир. Бу йўлда очиқ мулоқот, халқ билан юзма-юз суҳбат фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокимининг қабулига egov.kz портали, e-otinish ялпи базаси орқали ҳамда “Очиқ ҳокимлик” идорасига келиб, ёзма ариза орқали ёзилиш мумкин.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» Миллий матбуот – миллий юксалиш пойдевори

Матбуот нафақат янгиликлар манбаи, балки жамият тафаккурининг кўзгуси, фикр ва сўз эркинлигининг бебаҳо мезони, маънавият тарғиботчиси, журналист масъулиятидаги адолатдир. Шу маънода, ўз даврида “Сталин жолы”, кейин “Ильич жолы”, ҳозирда “Төлеби туы” номи билан халқ қалбидан жой олган газета ўзининг 90 йиллик юбилейини нишонлади.

“Төлеби туы” фақатгина газетанинг номи эмас – у тарихни сўзлаган, ҳақиқатни ёритган, эл қалбидаги дард-ни ҳам, қувончни ҳам баён этган минбардир. У ўз саҳифаларида туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, халқнинг анъаналари ва урф-одатларини, меҳнатни, эл-юртимизда кечаётган ўзгаришларни масъулият билан акс эттирди. Унинг ҳар бир сони давр солномаси, ҳар бир мақоласи қалб сўзи бўлди.

Тантанали байрам тадбири туман маданият уйида ўтди. Унда туман раҳбарияти, ОАВ муҳаррирлари, сиёсий партия, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар иштирок этдилар. Ташриф буюрганлар газета жамоасини шонли тантана билан муборакбод этдилар ва қимматли совғасаломларини топширдилар.

Газета тарихи ҳақидаги видеолаваҳа намоийшидан сўнг нашр бош муҳаррири Абдималик Раҳманкулов иштирокчиларни қутлуғ айём билан табриклаб, газета тарихи ва тахририят фаолияти билан таништирди. Туман ички сиёсат бўлими раҳбари Қанат Қалибеков, маслаҳат раиси Нурлан Қўйбагаров табрик нутқидан сўнг туман



ҳокими ва маслаҳати ташаккурномаларини тахририят ходимларига топширишди. Туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев, “Егемен Қазақстан” газетасининг вилоят бўйича мухбири, вилоят маслаҳати депутати Ғалимжан Елшибай, таниқли журналистлар, депутатлар ва турли қатлам вакиллари сўзга чиқиб, дил изҳорини баён этишди.

– Буюк давлат ва жамоат арбоби Тўле бий номидаги жонажон ва жаннатмакон туманимиздаги босма нашрлар орасида 90 йиллик тарихга эга бўлган “Төлеби туы”нинг ўзига хос ўрни, мавқеи бор, бу – туманнинг тарихи, маънавияти ва сўз эркинлигининг пойдеворидир. Бу минбар орқали туман ҳаётининг ҳар бир нафаси, халқнинг дарду орзуси, муаммолари ва ютуқлари ҳақиқат сўзи билан халққа етиб борди, жамият онгига ўз аксини топди. “Төлеби туы” – эл овозини, замон шижоатини, ҳаёт ҳақиқатини ёритиб келаётган машъаладир, – деди маслаҳат раиси Нурлан Қўйбагаров.

Тадбир давомида газет-фаолиятига улкан ҳисса қўшган қалам соҳиблари тақдирланди. Энг олий эътироф – “Қозоғистоннинг фахрий журналисти” кўрак нишони матбуот тараққиётига бутун ҳаётини, қалами ва виждонини халқ хизматига бағишлаган Ўринбасар Суттибаевга топирилди.

Шунингдек, тахририят раҳбари Абдималик Раҳманкулов ва бўлим мудири Ақжан Иманалиева Қозоғистон Журналистлар уюшмасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

“Төлеби туы” замон билан ҳамнафас нашр. Шунинг учун ҳам туманда ташкил этилган “Төлеби туы”нинг 90 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанага нафақат туман аҳли, балки яқин-олисон келган меҳмонлар, журналистлар, адиблар ва халқ вакиллари ҳам ташриф буюрдилар.

Тадбир давомида сўзга чиққан меҳмонлар газета билан боғлиқ самимий хоти-ралари, у билан ўтган ҳаёт йўли ҳақида самимий туйғуларни ўртоқлашдилар. Ай-

ниқса, туман ҳокими лаво-зимидда фаолият юритган Қалибек Алдабергенов ҳам-да Батир Кўшербай каби таниқли шахслар газета оғир даврларда ҳам халқ билан елкадош бўлиб, иқтисодий ислохотлар жараёнида му-ҳим аҳамият касб этганини эҳтиром билан эслатиб ўтдилар.

Шунингдек, бугунги кунда таниқли ёзувчи, олим сифатида халқ ардоғига сазовор бўлган Темирғали Кўпбаев ҳамда вилоят маслаҳати де-путати журналист Ғалимжан Елшибай “Төлеби туы”да ўт-казган йиллари ҳақида ғурур билан гапириб ўтишди.

Газета жамоасини шу қут-луг сана 90 йиллик юбилейи билан чин қалбимдан таб-риклаб, уларга келгусида ҳам шиддатли илҳом, ши-жоат, содиқ ўқувчилар, ва энг муҳими, юрт олдидаги масъулиятли вазифаларини шараф билан адо этишлари-ни тилайман.

Отабой РАХИМҒОЗИЕВ.
Тасвирда: табдирдан лав-ха.

Қозоғистон жаҳон ОАВларида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бундан ташқари, консул-лик ва ҳуқуқий масалалар бўйича те-гишли маслаҳатлар берилди, Қозоғис-тоннинг миграция қонунчилигига қатъий риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон элчи-

хонаси делегацияси Шарқий Қозоғистон вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ҳудудий сармовявий анжуман-да ҳам иштирок этди. Ушбу табдирда Қозоғистон томони биргаликда амалга оширишга тайёр бўлган қатор истиқбол-ли лойиҳаларни тақдим этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон делегацияси 2025 йил сентябрь ойида ўтадиган “Altai Invest–2025” сармовявий анжуманида иштирок этишга таклиф қилинди.

Trend:

Қозоғистондан Эронга
етказиб берилаётган товарлар
ҳажми камайди

Эрон жорий йилнинг дастлабки уч ойида, аниқроғи, 2025 йилнинг 21 мар-тидан 21 июнига қадар Қозоғистондан маҳсулот импорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайганини маълум қилди. Кўрсаткичларнинг камайиши

қиймат бўйича 58,1 фоизни, оғирлиги бўйича эса 47,2 фоизни ташкил этади.

Бу даврда Қозоғистондан Эронга етказиб берилган маҳсулотлар қийма-ти тахминан 8,69 миллион долларни ташкил этиб, умумий оғирлиги 27,5 минг тоннани ташкил этди. Қозоғистондан Эронга энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулотлар буддой, арпа, турли жиҳоз-лар ва бошқа маҳсулотлар бўлди.

Умуман олганда, уч ойда Эрон нефть маҳсулотларини ҳисобга олмаганда жа-ми 9 миллион тонна маҳсулот импорт қилди.

Бунинг сабаби, Эрон расмийлари фақат зарур маҳсулотларни импорт қилишга устувор аҳамият қаратишида ва маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсу-лотларни импорт қилишни чеклашда давом этмоқда.

Жаҳон ОАВ агентликлари
маълумотлари асосида.

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЕРГАН ҚИШЛОҒИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЖУРНАЛИСТИКАГА ИЛК ҚАДАМ

Ёрғоллиқ қишлоғида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларилари кўп эди. Улар билан суҳбатлашишни яхши кўрардик. Бундай қарияларнинг ҳар бир гапи – бир дунё сир эди. Шунинг учун ҳам болалар уларнинг оғзини кузатиб ўтирарди. 1975 йили 5-синфда ўқирдим. Уруш фахрийси Қодир-қул Мирзатов билан мулоқотдан сўнг Москвада нашр этиладиган “Мур-зилка” Бутуниттифоқ болалар журнаliga мақола ёзиб жўнатдим. Кўп ўтмай, мактаб директори Қурбон Хидиров синфимизга қўлида журнал билан кириб келди ва мақолам Бутуниттифоқ журнаliда чоп этилганини маълум қилиб, табриклади. Уруш иштирокчилари ҳақидаги навбатдаги мақолаларим “Костер”, “Юность” журналлари, “Комсомольская правда”, “Ленинская смена”, “Сельская жизнь”, “Труд” газеталарида чоп этила бошлади. Ҳар бир мақола учун тахририят томонидан қалам ҳақи жўна-тиларди. Улуғ Ватан уруши мавзусини бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларида ёритганим ҳарбий хизмат чоғида қўл келди.

ТУРКИСТОН ДИВИЗИЯСИ ВА ҲАРБИЙ
ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИМ

Закарпатъе вилостининг Мукачево шахридаги ҳарбий қисмга етиб боргач, бир ой мобайнида карантин тадбиридан ўтдик. Эртасига бир зоти-бит келиб, ўзини 128-Туркистон гвардиячи тоғ-ўқчи дивизиясининг “Голос воина” газетаси муҳаррири Константин Яблонскийман, деб таништирди. Бутуниттифоқ газета-журналларида мақолаларимни ўқиганини, шу боис газетамга ишга таклиф қилиш учун келганини маълум қилди. Шу куни зарур ҳужжатлар тайёрланиб, журналистлик фаолиятимни ҳарбий газе-тада бошладим. Бир куни тахририятга кириб кетаётган эдим, навбатчи зобит тўхтатди:

– Сизни дивизия командири йўқляпти, – деди ва унинг ҳузурига бош-лаб борди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мақсадга ўтди. Дивизия тарихи ҳақида китоб ёзаётган экан.

– Китоб туркистонлик ёшлардан ташкил қилинган дивизиямизнинг Иккинчи Жаҳон уруши давридаги жанговар йўли ҳақида. Ушбу китобга муҳаррирлик қилсангиз, – деди.

Кўп ўтмай, китоб босмадан чиқди, бир нусхасини генерал дастхат ёзиб қўлимга тўтқази.

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИМДАГИ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

– Болалигимда онам билан хирмонга борганим ҳали ҳам кўз олдимда, – дейди маҳалладошим Аҳмаджон ака. – Ойим хирмонга бизни олиб ке-тарди. Биз, уч ака-ука қувониб, маза қилиб ўйнар эканмиз, деб ўйласак, у ердаги аёллар қўлимизга курак бериб, буғдой ташитарди. Қандайдир ғай-рат-шижоат, куч-қувват қўйилгандай эди шу пайтларда бизнинг билаклар-римизга. Қош қорайгунча тиним билмай ишлардик. Ҳозирги болаларда эса шу ғайрат-шижоатдан асар ҳам йўқ. Нега? Чунки, болаларимизни иссиқхонада ўсаётган кўчатдай асраб-авайлаяпмиз. Қор ёғадиган бўлса, биз, болалар навбатма-навбат кураб, ҳовли ва кўчани тозалаб қўярдик. Ҳозир, эътибор берган бўлсангиз, ўйланган болалари уйда ухлаб ёта-дию, ёши бир жойга бориб қолган ота қор кураб юради. Ерни ҳам ўзлари тайёрлаб, экин экишади, болалари эса смартфондан кўзини узмайди.. Чунки, тарбия амалда эмас, сўзда бўляпти, холос.

Тасаввур қилинг: пода қайтган қишлоқ манзараси, қуёш ботишидаги гуллар ифори, қайрағочли йўл ва болаларнинг қўлда чироқ билан кино томошага отланган қиёфаси... Бу тасвир – маънавиятнинг жонли тасви-рларидир. Қишлоқ клубидаги фильмлар, китобхонлик, асар қаҳрамонлар-ига ҳавас туйғуси бизга руҳий озуқа бўларди. Отабек, Қумуш, Анвар, Раъно – ҳаёт мактабининг устозлари эди. Мухтар Ауезовнинг “Абай” романи, Абай асарлари, Ойбекнинг “Навоий”, “Олтин водийдан шаба-далар”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Уткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин”, Абдулла Авлониининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” , Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўш-чинор чироқлари”, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Иброҳим Раҳимнинг “Аҳмад Фарғоний”, Шухратнинг “Машраб”, “Шинелли йиллар” асарларини ўқиб, уларнинг қаҳрамонлари билан бирга яшадик. Иброҳим Раҳимнинг “Аҳмад Фарғоний” асарини ўқиб, илм йўлидаги сабр ва изла-нишнинг қандай буюкликка олиб боришини англадик. Аҳмад Фарғоний – машҳур мунажжим сифатида бутун жаҳон илм-фанига ҳисса қўшган ўзбек фарзанди. Унинг илмга бўлган тиришқоқлиги, интилиши, юрагидаги буюк орзу ва саъй-ҳаракатларини биз ҳам ҳис қилдик. У билан бирга ос-монга боқдик, олам қонуниятларини англадик, Ватан шарафини юрагида туйиб яшаган Аҳмад Фарғонийнинг фидойилиги бизга тонги шафақдек умид ва илҳом бағишлади.

Шухратнинг “Машраб” романини ўқиб, сўфий шоир, халқ фарзанди – Машраб билан бирга саргардонликда ҳаёт кечирдик, бирга халқ дар-дини эшитдик. Ҳақиқат учун жонини фидо этган, юракда эзгулик ва севги учун яшаган Машраб руҳи юрагимизга ҳам нур сочди. “Шинелли йиллар” асарида эса халқ билан бирга меҳнат қилдик, уруш йилларидаги қийин-чиқликлар билан муҳаббат ва сабрнинг синовиغا тушдик. Бизнинг ота-боболаримиз, онажонларимиз – шу асардаги қаҳрамонлар образларида ҳаётбахш хотиралардай қайта тирилди.

Бу асарлар – фақат адабий ёдгорлик эмас, маънавий ҳаётнинг ўзи, шахсий камолот йўлидаги йўлдошимиз эди. Улар бизга нафақат ўтмишни англапти, балки ким бўлиш кераклигимизни, қандай яшаш кераклигимиз-ни ҳам ўргатди. Шу асарлар қаҳрамонлари билан бирга Ватанин севдик, илмга чанқоқликни ҳис қилдик, ҳақиқатни англадик, виждонни тингладик, қалбимиз билан фикрладик.

Бу асарлар маънавий ёшлигимизнинг ҳаёт мактаби, нурли чироғи, ҳа-ли ҳам қалбимизнинг муаззам майдонидир.

Энди-чи? Бугун ёшлар кимни ибрат деб билади? Телефонними, интер-нетдаги муваққат юлдузларними?

Шаҳарда ашовчи дўстимнинг уйига бордим. Беш ёшли невараси би-лан гаплашиб ўтирдик.

– Амаки, кўзимни юмсам, гилослар кўриняпти. Келинг, сиз ҳам юминг, қишлоқни кўрасиз...

Бу гап юрагимни тилиб юборди. Бу бола қишлоқни қаттиқ соғинибди. Бу хисни у билан бирга шаҳар ҳавосида, сунъий муҳитда яшайдиган бо-лалар ҳис қилолмайди.

ҚИШЛОҚ – САЛОМАТЛИК ВА ТАБИЙ ШИФО МАНБАИ

Қишлоқ – инсон саломатлигининг манбаидир. Америкадаги бир тад-қиқотда маълум бўлишича, сил эпидемиясига дучор бўлган қорамоллар табиий ййловларга олиб борилганидан сўнг соғайиб кетган. Сабаби – табиий муҳитда шиғобашх унсурлар етарли бўлган. Худди шундай ҳолатлар одамлар ҳаётида ҳам кўп учрайди. Қишлоқ – шиғо манбаи, табиатнинг соғ қўйни.

ҚИШЛОҚНИ СОҒИНГАН ДИЛЛАР УЧУН

“Қўнглимга орзулар солган қишлоғим, Олис-олисларда қолган қишлоғим. Келиб қоларми, деб ҳар саҳар, ҳар шом Қўзлари йўлимда толган қишлоғим...” Бу мисралардаги алам, соғинч, муҳаббат – юракдан чиққан сўзлар. Ва шу муҳаббат билан биз қишлоққа қайтамыз, уни ардоқлаймиз.

ТАЪЗИМ СЕНГА, ОНА ҚИШЛОҚ!

Қишлоқ – ҳаётнинг ибтидоси, одамийликнинг бешиги, миллий руҳ ва қадриятлар кўрғонидир. У ерда табиат нафақат жонлиги туради, балки инсон қалбини ҳам уйғотади, иродасини мустаҳкамлайди. Бундай муҳит-да шаклланган инсон ҳар қандай қийинчиликка бардошли, соддадил, пок ниятли ва фидойи бўлади.

Қишлоқ табиати ҳам инсон табиати каби беғубор. Шу боис қишлоқ биз учун қадриятлар бешиги. Халқимиз ҳаёти, умр мазмунининг шаффоф ва покиза эканини кўрсатувчи кўзгу. Бунинг учун сенга таъзим, она замин! Сенга таъзим, она қишлоғим!

Авазхон АБДУФАТТӨХ ўғли.

